



Куз окшомларининг бирида Альберт Эйнштейн Пристон (Нью Жерси штати) йўлкалари бўйлаб кезиб юрар экан, бир гайритабиий воқеани бошидан кечирди. Унинг ўз холига ташлаб қўйилган ўй-фикрлари бу дамда занжиридан халос бўлган ит мисоли дайдишар, ўз сохибларини назар-писанд қилишмасди. Кизиги шундаки, айти бефайз ва беҳаловат лахзалар Эйнштейнни умр бўйи интилган-у, аммо рўёбига умиди сўнган орзуси билан ковштирди. Киприк коккудек фурсат ичида у макон эврилишига гувоҳ бўлди, унинг нигоҳи, худди сиз ушбу варақни чор тарафдан қўриб турганингиздек, ўзга оламни бирбутун камраб олди.

Гарчи, инсоният кўзлари илгай оладиган макондан ўзга ўлчамда ҳам оламлар мавжудлиги аллақачонлар исботини топган бўлса-да, бунга ҳамон инсон тафаккури учун жумбок бўлмиш вокелик дея, шубха билан караб келинади. Гўёки ўша олам билан биз яшаётган олам ўртасида кўринмас бир девор бордек ўзининг учкур тафаккури канотида тобора кўкка юксалиб бораётган инсон ногаҳон шу деворга пешонасини уради-да, парвоз ниҳоя топади. На Платон, на Пифагор, на Данте, бугун хаёт бўлганларида ҳам, ушбу деворни ишгол қила олишмаган бўларди, илло, бизнинг миямиз бундай ҳақиқатларни сигдиришга кодир эмас.

Зотан, дунёда ўша бегона олам сарҳадларини тажриба ва узлуксиз риёзат орқали эгаллаш мумкин, дея фикр қилгувчилар ҳам йўқ эмас. Ер юзида паравозлар сурон солиб кезар, домна печлари гувиллар, уруш ва ўлим вахшати давом этар, сўлим хиёбонлар ошиқ-маъшуклар бўсалари товушига безабонларча сомеълик қилар, бир сўз билан хаёт оқими ўз йўлида оқар экан, қандайдир дарвешнамо олимларнинг мислсиз риёзатлари орқасида бир лахза ўша макон чегараларига қадам қўйганлари, унинг сир-синоатларидан воқиф бўларок, кўз юмгунча ўтган вақт орасида ортга қайтганлари, инсон оёғи етмаган чўккини забт этганлари ҳақида афсоналар юради.

Бирок ушбу буюқ ходисотдан қимса хабар топмайди, биров у қахрамонни табрикламайди ҳам, на тантаналар, на интервьюлар уюштирилади, на қахрамонга бирор нишон беришади. Чунки бундай ходисалар хослар учун махсус. Қахрамон бу ҳақда бор-йўғи “Мен у дунёга бориб келдим”, дейиши мумкин, вассалом. Ахир унда ўзга оламда бўлганини тасдиқловчи на бирор сурат, на хужжат-далил бор.

Воқеан, шундай ходиса рўй бериб қолгудек бўлса, ўз тафаккуримиз воситасида ўша ўзга оламга тирқиш топа олсак – биз учун мавҳум бир формуладан бошқа нарса бўлмаган, биздан том маънода ташқарида бўлган олам айти чоғда хаётимизнинг ўзига айланади. О! У лахзаларда ўзлгимиздан, қайгу, қувонч, ташвиш аталмиш юқларимиздан биратўла халос бўламиз. Инсон тафаккури нақадар бепоён-а!

Худди шундай воқеа, осмон биллурий рангларга чулганган, шаҳар чироклари гўё Зухро юлдузи билан баҳс бойлашгандек, у ер, бу ерда милтиллай бошлаган ажойиб куз окшомларининг бирида профессор Альберт Эйнштейн билан ҳам содир бўлди. Унинг

калби – ўша сир-синоатга бой бир парча гўшт – Худонинг марихаматини хис килди. Зеро, Эйнштейн донишманд одам эди. Дунё хавасларига парво килмасди. Аммо айтиламанки, лахзаларда у ўзини одамлар издихомидан юксакларда хис килди. Нон ушогига интизор гадо фавкулодда бир хумча олтин топиб олганди гўё.

Гўё Эйнштейннинг номуносиб ўйларига жазодек, сирли хакикат кандай пайдо бўлган бўлса, шунчалик кутилмаганда, дафъатан кўздан йўқолди. Айтиламанки, дамда профессор хозир бўлган маконининг ўзига тамомила нотаниш эканини англаб қолди. У четлари жонли девор билан тўсилган узун йўлак бўйлаб кетиб борар, атрофида иморат тугул бирор тирик жон кўринмасди. Йўлак охирида сарик-кора зебра тусида бўялган, шифтини шарсимон чирок ёритиб турган бензакалонка кўринарди, холос. Ён тарафдаги скамейкада, чамаси мижоз йўқлигидан зерикибгина бир занжи ўтирарди. Унинг эгнида иш комбинизони, бошида эса бейсбол шапкаси бор эди.

Эйнштейн унинг ёнидан индамай ўтиб кетмокчи эди, бироқ занжи ўрнидан туриб у томон одимлади.

-Жаноб!-деди у.

Занжи ўрнидан тургач, барзанги келбати, хушбичим юзи, бор бўй-басти билан мукамал бир африкаликни ўзида мужассам этгани кўзга ташланди. Тун коронгусида жилмаяр экан, маржондек тишлари яркираб кўринарди.

-Жаноб,-деди у,-сизда гугурт топилмайдими?-ва чўги сўнган сигарета билан унга якин келди.

-Чекмайман,-Эйнштейн жавоб бера туриб тўхтади, тўғрироги уни кизиқиш ва хайронлик тўхтатган эди.

Шунда занжи сўради:

-Балки менга арок пули берарсиз?

У мирзатеракдек найнов, навкирон, устига-устак сурбетгина эди.

Эйнштейн чўнтақларини тимискилади.

-Билмадим-да... Ёнимда сарик чака ҳам топилмасов... Сайрга пул олиб чиқадиган одатим йўқ...Рости гап афсусдаман...-дер экан кетишга чоғланди.

-Шунисига ҳам кулук,-деди занжи,-аммо, маъзур тутасиз...

-Яна нима?-малолланди Эйнштейн.

-Сиз менга кераксиз. Бу ерга асли шунинг учун келганман.

-Мен керакман?! Нима гап ўзи?!

-Менга кераксиз,-такрорлади занжи,-бир мухим иш юзасидан. Буни факат кулогингизга айтишим мумкин.

Айтиламанки, дамда тун пардаси янада куюклашган, бунга сари занжининг тишлари олдингидан ҳам оппокрок кўринарди. Занжи Эйнштейннинг кулогига энгашди.

-Мен – жон олгувчи фариштаман,-шивирлади у,-жонингни олгани келдим.

Эйнштейн бир кадам ортга чекинди.

-Менимча,-деди у овози жиддийлашиб,-менимча, кўпрок ичиб кўйганга ўхшайсан, огайни.

-Мен – ўлим фариштасиман,-таъкидлади занжи,-кара...

У жонли девордан ям-яшил бир новдани синдириб олди. Орадан лахза ўтмай унинг коп-кора кўлларида яшнаб турган баргларнинг ранги синикди, сўлишга тушди, сўнг эса кулга айланди. Занжи бир пуфлаб кафтидаги кулни кўкка совурди.

Эйнштейн бошини эгди.

-Жин урсин. Демак, куним битибди-да...Кандай килиб – шу ахволда, тун коронгусида, йўлнинг қок ўртасидами?!..

-Менга шундай буюрилган.

Эйнштейн атрофига олазарак бокди, тирик жондан нишон йўк эди. Хаммаси аввалгидек: узун йўлак, пастликда чироклар мўлтирайди, чорраха томондан автомобиллар кизил кўзларини тикади.

Фалак гумбазида юлдузлар жимири, Зухро юлдузи куйи инган.

Эйнштейн чукур тин олиб деди:

-Менга кара, биродар, бир ой мухлат беролмайсанми? Тугата олмаган бир мухим ишим бор, шуни якунлаган куним келсанг дегандим. Ўтинаман факат бир ойгина...

-Кашф этмокчи бўлган нарсангни,-таъкидлади “занжи”,-мен билан борадиган жойингда сўзсиз топасан.

-Бу бошка-бошка нарсалар: у дунёда меҳнатсиз топилган кашфиётнинг киймати нима бўларди. Менинг кашфиётим эса одамлар учун кони фойда. Ўттиз йилдан бери шунинг устида тер тўкаман. Орзуйим ушалай деганда-я...

“Занжи” ишшайди.

-Бир ой дейсанми?..Майли, аммо муддатинг етгандан сўнг кочиби колишни хаёлингга ҳам келтирма. Осмонга чиксанг оёгингдан, ерга кирсанг кулогингдан тортиб оламан.

Эйнштейн яна нимадир демокчи бўлиб бошини кўтарганида, сухбатдошидан асар ҳам топмади.

Бир ой деганлари хижрондаги ошик учун канчалар кўп муддат бўлса, ажалини кутаётган бечора учун сониядан-да киска экан. Сония нима бўпти бир нафас сингари шиддаткор ва аник. Мана у ўтди-кетди. Эйнштейн ваъдасига вафо килиб, белгиланган жойга йўл олди. Ўша бензакалонка, ўша скамейка, унда “занжи” ўтирибди. Факат бу сафар у комбинизони устидан харбийлар камзулини кийиб олган: ахир хаво совиб колган-да.

-Мен келдим,-деди Эйнштейн унинг елкасига туртиб.

-Калай, ишларингни битирдингми?

-Йўк, тугата олмадим,-огир хўрсинди олим,-менга яна бир ой мухлат бер! Касам ичаман. Бу сафар тугатаман. Ишон, куну тун кулдек ишладим, барибир улгурмадим. Аммо арзимаган иш колди.

“Занжи” орка ўгириб ўтирган холатида елка кисди.

-Сиз – Одам болалари, хаммангиз бир гўрсиз. Сизга мудом нимадир етишмайди. Сира бировдан миннаддор бўлмайсиз. Бир сония ортирок яшаш учун тиз чўкиб оёк ўпишга-да тайёрсиз. Бахона топишни-ку кийиб кўясиз.

-Мен килаётган кашфиёт ўта мураккаб. Хали инсон зотига насиб этмаган...

-Бўлди, биламан, биламан,-гапни шарт кесди “занжи”, -хикмат тоши яратмокчисан, шундайми?

Шундан сўнг хар иккиси жим колишди. Сертуман, совук куз окшоми этни жунжуктиради. Бундай тунда уйда ётганга не етсин.

-Мен нима килай энди?-сўради Эйнштейн.

-Бўпти кетавер...Лекин бир ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.

Чиндан ҳам бир ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Вактнинг бу кадар очофатлиги шунда билинди.

Ўша декабрь тунида изгирин эсар, яккам-дуккам чиринди хазонларни ўйнатар, олимнинг бош кийими остидан чикиб турган оппок сочларига чангал соларди. Ўша бензакалонка, бу сафар скамейкада бошига калин салла ўраган ўша “занжи” совукнинг зўридан дилдираб ўтирарди.

Эйништейн унга якин келиб, елкасига дадил туртди.

-Мен келдим.

“Занжи”нинг совукдан тишлари такирлар, камзўлига ўраниб олганди.

-Ха, сенмисан?

-Мен.

-Демак, тугатибсан-да?

-Худога шукур, тугатдим.

-Юз йиллик ўйини интихо топибди-да! Хар холда армонинг колмагандир? Бокийлик сирини очгандирсан?

-Ха,-Эйнштейн жилмайиб жавоб килар экан, йўталиб кўйди,-нафсиламрини айтганда хаммаси жойига тушди.

-Кетдикми бўлмасам? Сафарга тайёрмисан?

-Албатта, келишганмиз-ку.

“Занжи” илкис сакраб турди ва шундай кахкаха отдики, факат иблисгина бундай кулиши мумкин эди. Кейин ўнг кўлининг курсаткич бармоги билан Эйништейннинг корнига бир туртган эди, у мувозанатини йўкотиб, оёгида зўрга туриб колди.

-Яхши, яхши кекса карокчи...уйингга жўна, тез бўл, югур, бу совукда ўпкангни олдириб кўймасингдан... Хозирча менга керагинг йўк.

-Мени кўйвормокчимисан? Унда бу кўрсатган хунарингни кандай тушуниш керак?

-Буларнинг бариси ишингни тезроқ тугатишинг учун эди, вассалом. Мен максадимга эришдим...Сени шундай кўрkitмаганимда, ким билсин яна канча чўзар эдинг?!

-Менинг ишим?.. Бунинг сенга нима кизиги бор?

“Занжи” тиржайди.

-Менга-ку керак жойи хам йўг-а... Кўрмайсанми, рахбарият, ер ости дунёсининг хукмдори – устозим иблис... Унинг айтишича, аввалги кашфиётинг хам шайтанат дунёси учун катта фойда берган. Бунда шахсан сен айбдор бўлмасанг хам, шундай бўлгани рост. Сенга бу ёкадими, ёкмайдими ихтиёринг ўзингда, жаноб профессор, лекин кашфиётинг жаханнамга мислсиз фойда олиб келди... Энди янги кашфиётингдан фойдаланишни ўйлаяпмиз.

-Бўлмаган гап!-норози чинкирди Эйништейн.-Дунёда ундан безарарроқ нарса бор эканми? Бу шунчаки формула, мутлок мавхумият холос...

-Яшшавор,-кичкирди иблисвачча, яна олимнинг корнига туртар экан.-Яшшавор, азамат! Сенингча мени бу ёкка ўйнагани юборишганми? Ўйлайсанки, улар хато килишганми?.. Йўк-йўк, сен яхши ишладинг. Зулматдаги огаларим сендан хурсанд бўлишади энди!.. Эх сен билганингда эди!..

-Нимани, нимани билганимда эди?

Аммо иблисвачча гойиб бўлган, атрофда на банзакалонка, на скамейкадан нишон бор эди. Ёлгиз тун, изгирин шамол ва узок чоррахадаги автомобил чирокларигина кўзга ташланарди...

Рус тилидан Узок Жўракулов таржимаси